

Гулбаҳор Саид Ғани

БАРИБИР БАХТЛИМАН

Шеърлар

Тошкент

“Янги аср авлоди”

2006

Гулбаҳор Саид Ғани – гўзал Фарғона водийсида яшаб ижод этаётган истеъдодли шоирларимиздан. Шеърият мухлислари шоиранинг эҳтиросли шеърларини, мумтоз адабиётимиз даҳолари газалларига мухаммасларини, маҳорат билан қилинган таржималарини яхши биладилар, севиб ўқийдилар.

“Барибир бахтлиман” деб номланган янги манзумада шоиранинг сўнги йилларда яратилган сара шеърлари жой олган. Муҳаббат, садоқат, вафо юракдан тараннум этилган. Китобни шоиранинг қалб армугони сифатида қабул этишингиз мумкин.

*Масъул муҳаррир
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Ўзбекистон халқ шоири*

ISBN 5-633-01841-9

© Гулбаҳор Саид Ғани. “Барибир бахтлиман”.
“Янги аср авлоди”, 2006 йил

БАХТ – БАШАРИЯТНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ

Ўзи бахт инсон учун нимага керак?

Бахт бўлмаса ҳам яшайверса бўлмайдимиз?

Бахтнинг формуласи борми?

Мен Гулбаҳор Саидганиеванинг “Барибир бахтлиман” шеърий тўпламини ўқиб чиқиб шундай фикларни дилимдан ўтказдим. Албатта, бахт тушунчаси ҳақида кўп гапириш мумкин.

Масалан:

Бахт – таъмасиз ошиқлик,

Бахт – севиб-севилиш,

Бахт – севмасалар ҳам сева олиш.

Менимча, бахтли шахсгина бу ёруғ оламда инсонларга, тирикликка зарар етказмасдан яшашга қодирдир. Демак, бахтли инсонлар қанча кўп бўлса, ўзлари яшаб турган жамият ҳам гўзаллашиб бораверади. Қизиги, бахтли инсонларнинг ахлоқи ҳам гўзал ва бир хил бўлишидадир.

Агар шоира Гулбаҳор Саидганиева “Мен бахтлиман” деб шеър бошлаганида менинг кўнглимда ҳам: “Нима бўпти?” – деган ўй кечган бўлур эди.

Бироқ шоира “Барибир бахтлиман”нинг остида ҳаётнинг қанчалар азобли ва дардли кунлари ётганини ҳис қилдим. Ва айни шу ҳолатларда “барибир бахтли” инсонга ҳавасим келди ва омадлар тилаб қолдим.

*Жамол КАМОЛ
Ўзбекистон халқ шоири*

ВАТАН ҚЎШИҒИ

Кўнгил, сен қушчасан, қанотинг – толгин,
Кўтариб учолмас фарёдларингни.
Маъсум кўзларингда тенги йўқ Соғинч,
Маъюс кўзларингда Ватаннинг ранги.

Яшиллик ичинда асрорсан, хайҳот,
Мурғаккинам маним, паноҳсиз қушчам.
Бу ёруғ дунёда эшитмас ҳеч зот
Фарёдинг ғорларни бузганида ҳам.

Кўзларингга боқсам – ўкинч ва озор,
Қўшиқлар тўкилар ҳоргин юракдан.
Дунёдай муаззам, қўшиқдай озод,
Зангори либосда кўринар Ватан.

Яна тушларингга кирар Ватанинг,
Толгин қанотингда яшарар Орзу.
Заифлик домида қолса-да танинг,
Толгин қанотингга ярашар Орзу.

Мунгликкинам маним, бўзлигим маним,
Бир сенми дунёда ватанга ошиқ.
Муқаддас эҳромим, буюк армоним
Сенинг кўзларингда яшаган қўшиқ.

* * *

Лашкар тортиб кела бошлар тун,
Хавотирли кечалар совук.
Дарахтларни синдирар бугун
Туни билан тушган булдурук.

Симёғочдан сап-сарик ёгду
Туни билан ёғиб тинмайди.
Куни билан қийнаган қайгу
Юрагимни энди тилмайди.

“Кетаверсин, қайга бўлса, бас!
Ёгдуларга кўмиб борлиғин.
Унга керак, балки керакмас
Бу дунёда менинг борлигим”.

Энди унинг жони қийналар,
Энди Соғинч қийнайди ёмон.
Энди Ҳумоқушга айланар
Хаёлимга ин қурган Армон.

ИСТИҚЛОЛ БАҲОРИ

(Кўшиқ)

Дунёни ларзага солди хушхабар:
Турон ерларига келди навбахор!
Ватан осмонида куйлар оққушлар,
Шукрона айтамыз ҳар лайлу наҳор.

Нақарот:

Сен менинг паноҳим, имоним, ёрим,
Баҳор гулларидан гўзал диёрим.
Истиқлол қўшиғин айтди навбахор,
Турон ерларига қайтди навбахор.

Баҳорнинг келмоғи бўлмади осон,
Бу йўлда бойчечак, лолалар шаҳид.
Гулларнинг қонлари сачраган осмон
Музаффар тонгларга бўлғуси шоҳид.

Нақарот:

Алвон шафақларнинг ортида куёш
Рангин оҳангларин тўқади такрор.
Қувончдан майсанинг кўзларида ёш,
Бугун ҳар кўнгилда гуллайди баҳор.

Нақарот:

РОШИДОНДАН ҚАЙТИШ

Гўёки илк марта келдим жаҳонга –
Кўнглимни маст қилди гуллар, ифорлар.
Баҳор қадамидан шод Рошидонда
Оппок тушга ўхшар бу ўрикзорлар.

Боғдан ташқарида оламлар ғариб,
Нурларга макондир бу уйғоқ боғлар.
Кейин... тўла бошлар ернинг бағрига
Кузда етилгувчи энг эзгин нола.

Не фожеъ кечади ҳар йил бошидан,
Бағрида минг йиллик орзу жўш урар.
Ва лекин ҳар баҳор ўжар Рошидон
Барибир туш кўрар, оппок туш кўрар.

Қайтаман. Фарғона. Юрагим ўртар.
Кўшиқ куйлолмайман шодумон ва шан.
Энди кўз ўнгимда сарғариб ётар
Оппок тушларидан айрилган Ватан.

Йўл солсам қалбингга, йўлимни
Бойлайди севгисиз нодонлар.
Мен сенга чўзаман қўлимни,
Ҳижрондек узундир ялдолар.

Мен сени девона изладим
Бешафқат соғинчлар номидан.
Мен сенга атаган ҳисларим
Бегона кўнгиллар домида.

Юракда бир қушча бўзлайди,
Мен сендан кетаман, андалиб,
Нигоҳим ёлғонлар сўзлайди,
Сўзимга юрмагил алданиб.

Муҳаббат гуноҳ деб атайман,
Дилда йўқ на зўру на зорим.
Мен сени қуйлашга чидайман
Қўшиққа айланган азобим!

* * *

Кўрарман, ёнингда ўзгалар.
Бағримга мислсиз дард келар.
Йўлингга интизор,
Кўзларим – гуноҳкор.

Айтмадим, унимни мен ютдим,
Кулмайман, кулгуни унутдим.
Лабларинг акси бор,
Лабларим – гуноҳкор.

Баҳорнинг бағрида бахт кутдим,
Баҳорлар келмади...қон ютдим.

Ўзимга бўлар дор,
Ишончлар – гуноҳкор.

Юракни алдайди ақлу ҳуш,
Кечаман...кечасан...бари туш...
Қилмайди гуноҳ кор,
Юрагим – гуноҳкор...

* * *

Бир гўзал куй изладим бу кун
Алвон ҳисга ўрайман тонгни.
Куй излайман дардли ва рангин,
Оҳангларда кетаман ёниб.

Куй бағрига кетаман сингиб
Ва топаман энг гўзал бир дард,
Ҳижронларни, аламини енгиб
Қўшиқ бўлар қалбда муҳаббат.

Муҳаббатни ёниб куйлаган
Дилдан униб чиқаман яна.
Дардларимга эш бўлиб куйгаи
Оҳангларда қилгум тантана.

* * *

Фарёдсиз узилиб кетади бугун
Чинор япроқлари – маъносиз тушлар.
Ҳис қилмай на алам, на-да бир ўкинч,
Ерга қулайверар синиқдил қушлар.

Мақсадсиз, ишончсиз интилиб бари

Мошинлар ортидан югуриб чарчар.
Чинорнинг баҳорги зўр тилаклари
Пойимда ётарлар бўлиб ерпарчин.

Ногаҳон кафтимда бир мунис қушча,
Ногаҳон...кафтимда маъюс бир титроқ.
Ногаҳон хаёлим музлатдинг мунча –
Сен кимга ўхшайсан, жонгинам, япроқ!?

ОҲАНГ

Вайрона бўлмишдир кўнгиллар,
Вайрона ётибдир бу олам,
Оҳ тўла оҳанглар тўкилуру –
Кўнгилдан ўтибдир не алам.

Созларнинг фиғони суйгули,
Қайғудан кийибдир пирохан.
Жой топмай жонини қўйғали
Самога ташланар... оҳанг.

Қулоғим остида не самоъ,
Муסיқа янграйди соатлаб.
Етаклар дилимни самога
Оҳанглар. Оҳанглар. Оятлар...

* * *

Қалдирғоч, жонгинам, тезроқ кел учиб,
Уйимнинг шифтлари сени соғинди.
Устунлар ёрилар, қара, ичикиб,
Қалдирғоч, эрка қуш, кела қол энди.

Қанотингда бордир кутганим – баҳор,
Аёзда дайдиған руҳлар муваққат,
Мен сенга сиғинмай кимга сиғинай,
Баҳор келтирганга умрим садақа.

Ҳали бу юракнинг қат-қатлари қон,
Босиб келаберар азобим бешак.
Қалдирғоч, қувончим, эрка қушгинам,
Дарддошим қолмади бир сендан бўлак.

* * *

Мунғайиб қарайди дарахтлар,
Шивирлар елларнинг измида.
Кечанинг кўзлари чарақлар,
Тикилар чироклар изимдан.

Сен юрган йўлларда бедармон
Ҳасратим ётади сарғайиб.
Тонг отар ва руҳсиз кетарман
Борликқа тумандек тарқалиб.

Кетарман хаёллар қаърида
Биллурий тонглар-ла сирлашиб.
Хазонлар олами ҳақида
Бир ҳазин куй қолар эргашиб...

НАВОЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Оразинг гулгун эрурким, кўзларимдир зор анга,
Бир чамандир хоки пойинг, ох, дилим гулнор анга,
Қанча йиғлаб бағрим ўйсам, қилча қилмас қор анга –
Неча кўнглум ёра бўлса, раҳм қилмас ёр анга,

Неча бағрим тўлса қон, боқмас даме дилдор анга.

Дилға равшанлиқ етурким шуълалар сочса қуёш,
Тушларимда меҳрсиз ёр айлағайдир меҳр фош.
Мен деғаймен ул қуёшим меҳрфишон бўлса кош,
Бир югурук тифл эзур кирпикларим ичинда ёш,
Ким, йиқилиб сончилибтур ҳар тарафдин хор анга.

Худдики бир туш агар мазмунин айтиб қилса шарх,
Гул бўлур ангуш агар мазмунин айтиб қилса шарх,
Эл йўқотур ҳуш ағар мазмунин айтиб қилса шарх,
Номам элтур қуш агар мазмунин айтиб қилса шарх,
Сочқай ўт қакнус каби минг чок ўлуб минқор анга.

Кўзларимга чекмоғ истаб изладим мен хор изинг,
Не аламким, айри тушмиш юлдузимдин юлдузинг,
Таърифин айлай десам, ки бул қадар жозиб юзинг,
Лаълинг оллида чекар эл жонини олғач кўзинг,
Ваҳ, не шарбатдур лабингким, жон берур бемор анга.

Чеҳраи нурдан паришон хотирим қолғайму буд,
Чора эрмиш чорасиз кун дардима ёлғиз суруд,
Эй кўнгул, савдойидурсан, чеҳраси ёдин унуд,
Ақл эви сори инонин бошламоқ, носих, не суд,
Телбаким, дашт узра маркабдур бузук девор анга.

Бебақо дунёда сен бас қил ружуъ роҳатғаким,
Баски, йўқмиш ҳеч илож манглайдаги ул хатғаким,
Найлай аммо баъзида бормиш адад тоқатғаким,
Тортасен исён юкин, хам қил қадинг тоатғаким,
Юк оғир бўлса рукуъ ул дам бўлур ночор анга.

Мен ўзим муслим гадою сен дағи кўнглимға шох,
Тозарар бир гул каби кўнглимни тонглар ювса роҳ,
Одати ошиғниким бедорлиқ тун то сабоҳ,

Умр ғафлат уйқуси бирла тиларсен, кечса, ох,
Кўз юмуб очқунча кимнинг иътимоди бор анга.

Хотирим ғамнок эмасдур ишки авранг кўйида,
Беҳаловат ўлди қалбим назм, оҳанг кўйида,
Чиқди руҳим, найлайн, фаттоҳи дилсанг кўйида,
Мен худ ўлдум, эй сабо, кўнглумни кўрсанг кўйида,
Чиқма аидии, деб насихат қилғасен зинҳор анга.

Гулбахор айёмиким, гул қайтмагай ўз рангига,
Аҳли ошиқ, борму нисбат бергали ғам сангига,
Борму нисбат кўнглими қон бирла тутқан зангига,
Зор жисмим тушгали ҳажр ўтидин ғам чангига,
Эй Навоий, ўхшашур ҳам уд анга, ҳам тор анга.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Даҳр боғин гулларига бўлмон ортиқ пойбаст,
Ҳажри ўти кўнглум узра тийра кун солганда шаст,
Май ичарга майи лаългун дағи жоми ишқ ҳаст,
Субҳ эрур соқию мен махмурмеи, сен – майпараст,
Тут куёшдек жомни, моний недур бўлмоққа маст.

Бенавою бедавомен ишқ аро васлига зор,
Йўқ эрур жисмимда жону ихтиёру на қарор,
Май ичали, оҳимиздин ўрласин кўкка шарор,
Тийра шоми ҳажр аро, ваҳ, асру кўп чектук хумор,
Маст ўлали бу нафаским, васл субҳи берди даст.

Кун бийик чиққунча юлдуз кўзларин маст этмали,
Кун бийик чиққунча ҳижрон дастидин раст этмали,
Кун бийик чиққунча фони ўлмаё қасд этмали,
Кун бийик чиққунча ҳўю нолани паст этмали,
Кун бийик чиққай бугунким, бўлғабиз биз ерга паст.

Ўн сакиз минг олам ичра келди оҳанг най била,
Бодаға кўйдим ружуъ ман, бас деманг, ҳай-ҳай била,
Кечани равшан этармиз бул каби ишқ, рай била,
Анжуман аҳли юзин гулгул қилали май била,
Меҳрдин топқунча анжум ғуллари бир-бир шикаст.

Кўкда ойу юлдуз аҳли ботқонча йиғлали,
Чок кўксин кўргузуб тонг отқонча йиғлали,
Қонли ёшлар оқди кўздин, дағи қонча йиғлали,
Чарх мотам еткурур биз дағи онча йиғлали,
Ким, кўҳан ғамхонаси ул сайлдин қилсун нишаст.

Маст кўнгул ёрасига бодани марҳам дебон,
Маҳрам ўлғай кечада бир ёнаётган шам дебон,
Нолаю афғон этарга барча бунда жамъ дебон,
Гар шафоатқа малоик келса номаҳрам дебон,
Меҳр шаклидин фалак йўлин қилали хорбаст.

Гулбахор, ғам чекмагил, ҳеч бўлмағай номи абад,
Кимки майдин тотди бул кеч – топди ул коми абад,
Нўш айлай ул шаробдин, келтуринг жоми абад,
Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.

НОДИРА ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ашк ила ғуллар суғордим, кулди хандон оқибат,
Кўз тутай деб кўзларим ҳам ўлди ғирён оқибат,
Кечалар ҳолимға юлдуз бўлди ҳайрон оқибат,
Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.

Сайд эрурмен. Кўзлари ўк ёғдирур – бул не шикор,

Бор демангким жисму жоним, тахлитим худди нигор,
Қонли бўлмиш лоладин ҳам сийнада қалби фиғор,
Қилди чоки пийраҳан доғи дилимни ошкор,
Қолмади кўнглимда захми ишқ пинҳон оқибат.

Кўнглим ичра ишқ сиррин мен хафо қилғум дебон,
Тийра ўлса зор қалбингким сафо қилғум дебон,
Жонима сенсиз ағарки минг жафо қилғум дебон,
Аҳди паймонлар қилиб эрди вафо қилғум дебон,
Айлади тарки вафо ул аҳди ёлғон оқибат.

Айлади номехрибоним фуркат ичра доғ мани,
Бизни ташлаб йўлларин кутгайми доғи ком ани,
Сон-саноксиз ғамлара маҳкум яратдинг ё мани,
Орзу қилдим тутармен деб висоли доманин,
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.

Ишқ кўйин куйламакни эл аро манзур тут,
Бу жаҳон ичра кўнгул юртини сен масрур тут,
Уз умидки, ёр васлидин ўзинг маҳжур тут,
Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон оқибат.

Заҳри ортар ёрнинг бир сўзи жонбахш ўрниға,
Дол кўринмиш суратим ҳам бир париваш ўрниға,
Ҳеч киши бўлмас азиз сентек жафокаш ўрниға,
Баски қон бўлди юраким, гавҳари ашқ ўрниға,
Қатра-қатра кўзларимдан томди маржон оқибат.

Кун кулиб боққайму асти мен каби афгора ҳам,
Бу фано дайрида кўрдим турфа дунё асли кам,
Кўзларимда сенсиз ўтган кунларим қайғуси жам,
Оҳким, бўлди яна субҳи нашотим шоми ғам,
Чеҳра пинҳон этти ул хуршиди тобон оқибат.

Лолаларму ўзни ёққон – қасди борму жонида,
Кунни кўрмак бор эмиш тонг гулларин армонида,
Боғбонким, саҳв айлар, не ажаб, гул сонида,
Гарчи бор эрди мусахҳар девлар фармонида,
Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон оқибат.

Бир хазонтек сарғаришни ёр учун шон айладим,
Ишқи ёр деб кундузимни Гулбахор шом айладим,
Ҳажрдан гуллар сочиб розимни ифшо айладим,
Нодира булбул каби то нола иншо айладим,
Навбахор ўтти, хазон ўлди гулистон оқибат.

* * *

Кўй, мени алдама, гуноҳкор юрак,
Менинг ҳисларимни қонга ювасан.
Менга керак, ахир, рост сўзинг керак,
Айт, кимни севасан, кимни севасан?

Афсунгар шамолга очаман бағир,
Ишқ деган нолани айтади тентак.
Дилгинам ёлғиздир, дилгинам сағир,
Ўзимни овутиб сўйлайман эртак.

Фархунда лаҳзалар умримни ютар.
Мен бахтни тангридан оламан қарзга.
Телба қўшиқларим кимнидир кутар,
Ишқ эса сарсари, ақлдан озган...

* * *

Сенга ҳам ишқ бир кулиб боқди,
Кулсанг-чи, эй дил...

Дардларинг дарёдай ўртаниб оқди,
Куйсанг-чи, эй дил...
Ишқда куйгунг борми, яна фироқда,
Қўйсанг-чи, эй дил...

* * *

Бир томчи куёшдек нурланар ашким,
Хайрият, сахардек юз очдинг бирдан –
Ҳаммаёқни босмиш гуллар лашкари,
Нурларга, гулларга айланди Ватан.

КУЗГИ ШЕЪР

Мен юпанч тиладим ўксиган гулга,
Илтижо-ла боқар нечун дарахтлар?
Гулларни аёзлар ўлдириб бўлган,
Дарахтлар ишонар яшил бахтларга.

Бир қўшиқ тўкилар кўзига боқсам,
Совуқдан қунишган маъюс қушларнинг.
Неларни топибман қалбимни ёқсам,
Бағрига кўмилдим унутишларнинг.

Туманлар бағрига ботгувчи Куннинг
Энг сўнгги нуридан сўрадим шеърни
Теграмда сукутнинг бефарқ эпкени
Кунларни алдайди руҳсиз, эриниб.

Заъфарон фаслдан бир шеър тиландим,
Заъфарон хаёллар фақат гул рангли.
Сўнг гўзал шеър дея ўпиб йиғладим
Совуқдан жунжиккан кузги гулларни.

* * *

Бошимда йилдирим ўйнатди қамчи,
Қўрқитмоқчи бўлар паст учган абр.
Синмоқда чакмоқнинг хунрез қиличи,
Далалардан униб чиқмоқда савр.

Тинчини йўқотмиш. Тайинсиз, бебахт
Шамоллар тилида ҳайқирар осмон.
Қўлларин теппага чўзиб ҳар дарахт
Безовта руҳ каби қилурлар исён.

* * *

Барибир бахтлиман ва фарруҳ,
Дунёда йўқ менинг ҳеч шўрим.
Қанчалар еткизсанг дард-андуҳ,
Шунчалар шоддирман, тақдирим.

Юрагим сир тўла сандиқдир –
Тоҳирни яширган, Тоҳирни.
Севгига юрагим жонлиқдир,
Юракни сўяди ҳар туни.

Ҳар битта кунимнинг бағридан
Қуйилар сирқираб азоблар.
Мен кечдим йилларнинг баҳридан,
Кўксимда адашар моҳтоблар.

Эй азоб, барибир мен – омон.
Сеп қилиб сўзларнинг мулкини,
Мен бахтга турмушга чиқаман,

Ўлгали шодликдан бир куни!

* * *

Хайр дейсан, кетасан узок,
Қадамларим етмас жойларга.
Мен осилиб қоламан титроқ,
Ортингдаги ҳафта, ойларга.

Кенгликларда кезасан менсиз,
Осмонда булутлар бўзарар.
Дарди пинҳон, армони сонсиз,
Булутлардан тўкилмайди зар.

Ёмғир мени эслатар осон.
Сен беркиниб оласан уйга.
Ўткир ханжар, йўқ, игна мисол
Ботиб борар хаёлим ўйга.

Бу ёмғирлар дилимда узок,
Узоқ куйлар гамгин куйларни.
Қидирасан, топмайсан бироқ
Хаёлларим етмас кунларни.

БИРИНЧИ АПРЕЛЬ

(Отам вафотига)

Дунё – кўзи ёш тўла бола.
Алдаб кетди Биринчи апрель.
Ҳар куртакнинг кўксига нола,
Чечакларнинг бошида абр.

Оғир келган баҳорда не айб,
Олмазорлар гул тўқди зор-зор.
Сўритоклар қолди букчайиб,
Кўҳна уйлар отамдек хоксор.

Кўтаролмас қаддин мен каби
Бошингизга эгилган дарахт.
Дарахтларнинг дардими кабир,
Ҳовлимиз ҳам тош қотган – карахт.

Гул баргида титрайди маҳзун
Ёмгирларнинг кўзидаги нам.
Умр йўли эмаскан узун,
Раҳматингга олгин, эй Эгам!

Осмонимни ёритмайди Кун.
Кун рангидан тўкилди оҳор.
Телбаларча йиғлади дилхун
Кўз ўнгимда кўк кийган баҳор!

* * *

Бир титраб қўяру қулайди япроқ
Ғамгин хотирасин пойимга отиб.
У менинг ўзимга ўхшайди кўпроқ,
Бағримга босаман руҳ яқин тортиб.

Билмадим, бу оқшом гунгми, карахтми,
Фарёддан иборат қакшаған олам.
Биз маънос термулган танҳо дарахтнинг
Фарёд чекар қонли япроқлари ҳам.

Сукутли оқшомга бўлмайди чидаб,
Мажнунтол йиғлайди дардимни қўшиб.

Осмоннинг беҳудуд кенгликларида
Муаллақ қотади сен айтган қўшиқ.

Само қувончларга тўлади ҳали,
Юлдузлар чиқади тунга ясаниб.
Ва лекин юлдузлар кулар маҳали
Ишониб қолдирдим кимларга сани?

Йиғиси тинмайди мажнуна толнинг,
Еллар айрилиқдан бермоқда дарак.
Бир хўрсиниб қўя, сўнг эса конли
Япроққа айланар титраган юрак.

* * *

Сенга қийин.
Менга осонми?
Тонглари толеим тиламоқ.
Сенга қийин.
Менга осонми?
Ҳиссиз санамларга ўхшамоқ.
Ва яна
Шеърый лаҳзаларимға
Ёлғизликнинг сувратин чизмоқ.

* * *

Ташламангиз ғийбат қаърига
Кезар бўлсам муҳаббат боғин.
Хаёлимнинг жаннатларига
Кирдим ифор, гулни соғиниб.

Юлдуз бўлиб чакнаса нетай

Кўзларимда ажиб эртаклар,
Муҳаббатга айланса нетай
Нафасимдан унган чечаклар.

* * *

Гуллардан-гулларга қўнаркан ифор,
Баҳорнинг ҳидлари оламни тутди.
Қалдирғоч қўшиғин куйларкан такрор,
Андух нелигини кўнғлим унутди.

Мен сени қанчалик соғинганлигим
Маънос далаларга шивирлаб айтдим.
Ҳар битта товушим садоси, лекин
Тоғлардан, тошлардан куй бўлиб қайтди.

Мен – энди қўшиққа айланган жола,
Қувноқ ёмғирларга қўшилиб ёғдим.
Ҳар ғунча кўнглига ғулғула сола
Баҳорнинг кўзида қайта уйғондим.

ЯНА БАҲОР

Яна баҳор!
Яна такрор!
Борлиғимни ўртаган туйғу!..

Яна рангдор,
Яна маккор
Асрларга татиган қайғу.

Яна баҳор,
Яна такрор

Мен гулларга айтдим дардимни.

Яна баҳор...

ОТАМНИ ЭСЛАБ

Фарғонада бир ҳовли бор –
Гулобдандир ҳавоси.
Баҳорлари мўъжизакор,
Майин эсар сабоси.

Унда ҳар тонг кулар заррин,
Жаннат каби чиройи.
Болалигим қўшиқларин
Қушлар қилар хиргойи.

Бу ҳовлида қуёш зардан
Меҳр тўкар илохий.
Нурлар ўпган дарвозада
Борми отам ниғоҳи...

ФАРҒОНАГА АТАЛГАН ҚЎШИҚ

Тилақларим мовий ва ғўзал
Фарғонанинг тонглари қадар.
Юрагимда йиғлаган ғазал
Забонимда топмади кадр.

Мактуб битдим зумрад баҳордан,
Шамолларға соврилди бевақт.
Ҳижронингда, севикли Ватан,
Гул ёшлигим сарғарди фақат.

Девоналар қилса-да шеърим,
Битолмадим сен ҳақда баёз.
Муҳаббатим, орзу гулларим
Кўзларимда қовжиради, рост.

Боқий тургин тургунча очун,
О сен ватан, о бу кўҳна ишқ!
Ҳижрон бўлиб туғилар ҳар кун
Фаргонага аталган қўшиқ!

* * *

Осмон пештоқидан қулаб кетди ой,
Дарёлар мавжида титрайди синиб.
Юлдузлар қолдилар ҳайрон, хойнахой,
Нега эсладим-а мен яна сени...

* * *

Тонглар каби бокира ҳислар
Назаримда тонгдан яхшидек.
Икки олам аро гул ёзар
Икки кафтим аро яхшилик.

* * *

Ҳеч кимсага кўнглим йўқ менинг.
Кўнглим йўқдир куйларга ҳам, бас.
Кундузларим тунларимга тенг –
Энди онам бошим силамас!

Ҳеч қаерда кўнглим йўқ менинг.

Ҳеч ер отам уйидек эмас.
Энди етим туйғуларим минг –
Ҳатто отам уйига сиғмас!

ТАРЖИМАЛАР

Марина Цветаевадан

Яхшики, мен сабаб ғамнок эмассиз,
Яхшики, сиз сабаб эмасман ғамнок.
Хайрият, ҳеч қачон шу ер курраси
Бахтдан гир айланиб учмади бебок.

Хурсандман, кулгуга қолсам-да ўзим –
Бебошман – сўзлар-ла ўйнамам енгил,
Ҳислар тўлқинидан қизармас юзим
Енгингизга тегиб кетаркан енгим.

Менга хуш ёқади: кўзим ўнгида
Ўзгани қучасиз, бемалол, хурсанд.
Ёнгин деб дўзахда, қилмассиз гина
Мен ҳам бировга-да бўсалар берсам.

Ва нозик исмимни на кундуз, кеча
Ёдга олмагайсиз еру самода,
Ибодатгоҳдаги сокинлик ичра
Янграмас бош узра ҳамду санолар.

Аҳён тўқнашардик шом тушар пайти,
Шодман, сизсиз кечар тунларим узун.
Яшайман бахтимга шукрона айтиб
Мендек “бегона”га севгингиз учун.

Ойдинда яшадик сокин, висолсиз,

Бошимизда кулмас на куёш, афлок,
Афсуски, мен сабаб ғамнок эмассиз,
Афсуски, сиз сабаб эмасман ғамнок!..

ЖАННАТДА

Яна хотиралар елкамни эзар.
Юргум жаннатда ҳам ерни согиниб.
Яширмасман қайта учрашсак агар
Сўзлар доғини.

Болалар кўшиғи, арфа, нилуфар,
Бунда фаришталар учар тизилиб.
Хамма нарса сокин, мен эса – мустар
Нигоҳинг излаб.

Хурлар даврасида кибр-ла, танҳо,
Назарга илмасдан жаннат рангларин,
Куйлайман – беғона – одамларга хос
Ер оҳангларин!

Елкамни эзади тинмай хотирот.
Пайт келар яширмам ёшларимни ман,
Энди кўришмасмиз ҳеч ерда, ҳайҳот!
Висол-чун жаннатда уйғонмасмиз шан!

* * *

Чил-чил синди кўзгу. Парчалар
Ичра боқар синиқ нигоҳлар.
Маконига қайтмоқда чарчаб
Оққушларим, дилдаги оҳлар.

Юксак булут бағридир нотинч,
Нак кўксимга патлар санчилар.
Тушларимда юбордим сочиб,
Ҳовуч-ховуч кумуш парчалар.

Жарангдордир кумуш саслари,
Кўшиқларим кумушга монанд.
Оққушгинам! Менинг асрандим,
Парвозингда бормикан омад?!

Қариндошлар, на мунис онам
Билмас, кўнглим кимгадир шайдо,
Черков ичра турганча хомуш
Валилардан тиларман танҳо
Мурғак оққуш ҳаққига дуо.

* * *

Борарсан. Мен каби ва зимдан
Кўзларинг ер узра қадаб жим.
Нигоҳим ер чизиб ўзим ҳам
Яшадим. Тўхтагил, ўткинчи!

Сўқирдек ўқигин аста сен
Исмимнинг Марина бўлганин
(Кўлингга қизғалдоқ дастаси)
Ва ёшим нечага тўлганин.

Бу ерда қабр деб сесканма,
Пайдо ҳам бўлмасман чақиндай.
Мен ўзим, билсанг гар, севганман
Бемаврид кулмокни, эҳ, қандай!

Танамда гупирган қоним, ҳам

Сочларим эдилар жингала ...
Бор эдим дунёда, оҳ, мен ҳам!
Тўхтагин, ўтмагил жимгина!

Ёввойи шохлардан узиб ол,
Мевасин татиб кўр эринмай.
Тенги йўқ бўлади шу мозор
Бағрида етилган кулупнай.

Ва фақат турмагил сен ғамгин
Бошингни ҳам қилиб ушбу он.
Мен ҳақда шунчаки ўйлагин,
Ва мени унутгил сен осон.

Сен нурдан қанчалар нурафшон!
Зарларга ўраган бу шуъла...
Қабрнинг қаъридан товушим
Қалбингга солмагай гулғула.

АЛЬБОМГА ЁЗУВ

Майли, альбомингда шеър бўлсам-да мен
Ё бир булоқ бўлсам жим куйлаётган.
(Кўхна кулбам аро қалашиб ётган
Мен учун энг ноёб китоб бўлдинг сен!)

Майли, мен бир ниҳол, йўлингда турган
Ўзинг шафқат айлаб бермаган озор.
(Сен мен учун худди хазонсиз гулзор,
Гулзорки, муаттар ҳидлар уфурган!)

Майли, шундай. Ва лек энтикиш-ла сен
Мўъжаз саҳфа узра беҳол эгилдинг ...
Барини эслайсан... ютиб фарёдинг ...

-- Майли, альбомингда шеър
бўлсам-да мен!

* * *

Қисматимнинг кўшиқларини
Куйлайверинг такрор ва такрор.
Қўлимдаги узукларимдан
Бўса олинг сира қилмай ор.

Қиш палласи кўриб аҳволим –
Наъра тортди момогулдирак.
Ҳатто йиртқич кўксида раҳм,
Соқов сўзлаб юборди бешак.

Тунда куёш порлар мен учун!
Ҳатто кундуз чакнар юлдузлар!
Мени мутлақ кўмади тўлқин –
Қисматимда гамларим гўзал.

Гўё мархум тирилди яна!
Жазо куни келди муқаррар!
Қўнғироқлар бонг урар. Мени
Малоиклар кундага элтар!

* * *

Шошилмагил ҳукм этарга:
Дунёдаги жазо муваққат.
Қанча оққа бўясанг қарға
Кабутарға айланмас ҳеч вақт.

Хоҳласанг шу – билмам, не учун

Севибман ҳаммани мен нодон,
Мумкин эрур ўшал қаро кун
Уйгонурман – сендан покдомон!

ШЕЪРЛАР

* * *

Кўзларимга тўкила бошлар
Дарахтларнинг сокин тушлари.
Фаромушман. Тушдек сочилар
Хаёлимнинг озод қушлари.

Ҳижрон фасли, ахир бу қаранг!
Нечун гуллар қилмоқда ханда?
Ахир менинг қалбимда гулранг
Хаёлларим виро айтганда?

Қуршамайди нечун ҳаяжон,
Ҳазонларни ёқмас қалбингиз,
Нечун ахир руҳингиз бежон,
Пичирламас аста лабингиз?

Тонғ юзига илинж-ла боқдим,
Гарчи ғамнок булутлар қуюк,
Бу кунлардан бордир умидим –
Ҳали барглар сарғайганча йўк...

* * *

Осмон яна бўзарар тайин.
Камалакнинг ранги йўқ энди.
Юрагимга сокин, кун сайин

Ёмгирларнинг дардлари инди.

Эрта баҳор айтган куйини
Унутибди шўх-шан жилгалар.
Теракларнинг барги суюниб
Тақмас энди олтин сирғалар.

Саргайгандир кунларнинг туси,
Эскиргандир балки ҳисларим.
Хотиралар ёдимга ҳусн
Бошим олиб кетганим сари.

ҚИШ

(Манзара)

Совуқ ёғар фалакдан бугун,
Манзаралар худди эртақдай.
Уюм-уюм қорлар бир тугун
Оппоқ пахта тўла этакдай.
Далаларни қийнар рутубат,
Хаёлимни босади туман.
Сукутдадир бутун табиат –
Сеҳрлабди қай бир ёсуман?
Борлиқ қарахт. Зўр афсунгарнинг
Ҳийласини этолмасдан қош
Ариқчада оққан сувларнинг
Ҳовурига исинар қуёш.

* * *

Ҳасратларим тўкилган тупроқ,
Мен қадрингга ета билмасман.

Лекин фақат соғиндим кўпроқ –
Балки сиддиқ, балки осийман.

* * *

Дунёга тор этма кўзимни,
Дунёни тор этма кўзимга.
Тўрт кунлик меҳмонман дунёнда,
Дунёни дор этма кўзимга.

* * *

Қадримга етмади баҳорлар.
Ҳам вафо қилмади ёзу қиш.
Қадримга етгани –
Фақат куз...

* * *

Тўкилиб-сочилиб ётибди руҳим
Кеча ва кундузнинг бўлақларида.
Йиғиб ололмасман руҳимни бир зум,
Урмим учиб кетар вақтнинг барида.

КУЗГИ БОҒ

Зардўзи либосин кияди боғлар
Кузакнинг йўлига чиқаркан пешвоз.
Кузакнинг меҳрига умидин боғлаб
Йўлига гиламлар тўшаб қўяр боз.

Зардўзи япроқлар тўкилар ерга,
Ҳижронга айланар либоси тағин.
Шамоллар кўксига бошини эғар,
Лек узиб кетолмас ердан оёгин.

Кузакнинг қаҳридан қақшаркан қалби
Ўзини уйкуга солади боглар.
Гуноҳи не эди, биргина айби –
Улар –
Гуллаган боғ эди бир вақтлар.

Қувлашиб ўтаркан куну тун,
Бир бор гулламоққа жонини тикиб
Яшил исёнларин бошламоқ учун
Кўкламга кўз тикар энтикиб!

ШОИР

Кўлингизда яна андоза,
Юрагимга кўрасиз қўйиб.
О, каттадир менинг юрагим,
Ортиғини ташлайсиз ўйиб.

Кичраймайди лекин юрагим,
Дидингизга тўғри келмайди,
Фиғонингиз фалакка чиқар –
“Неға энди у эгилмайди?”

Кўлларимни боғламанг ахир –
Кўрсатмангиз юз минглаб қонун,
Дардларимга арзимас улар,
Арзимади майдагап очун!

О, дўстларим, нолиманг мендан,

Пешонамда шу битта тақдир –
Менда не айб, менда не гуноҳ
Қолипларга сиғмасам ахир?

* * *

Муқаддас азоблар – қадрдонларим,
Шу бугун келмангиз – сизга бардош йўқ.
Тугилган мушт бўлар юрак тунлари,
Ўзимга ўзимдан бошқа сирдош йўқ!

* * *

Майсалар устига совуқ шам тушди,
Кундузлар совида синиқ кўнглимдай.
Кузакнинг қушлари гуриллаб учди,
Қайтиб келмас, дейман энди бутунлай.

Бостириб келади буюк шамоллар,
Ҳисларимни этгали тор-мор.
Юрагимда умидсиз лола –
Ахир қачо-он қайтади баҳор?

Майсалар устига совуқ шам тушди,
Гулгун боғларимиз йўқотди чирой.
Дарахтлар пойини хазонлар кучди.
Ҳиссиз самолардан маъюс боқди ой...

* * *

Неча кунким кўринмас қуёш,
Неча ойким кўринмайди ой.

Осмонни чангитар фаррош,
Қиш чўзилиб кетди, ҳойнаҳой.

Кўкламгача ҳали анча бор,
Кунлар ўтмай қолгандир. Балким
Ялпизларнинг исига хумор,
Қалдирғочга ичиккан қалбим.

* * *

Ҳолингдан ўртанар баҳорги ёмғир,
Кўлмакнинг кўзида ҳалқаланар ёш,
Осойиш тилайди нотавон кунлар,
Таскин сўз тополмай тутайди бардош.

Юзлари нам бўлган ўрик гуллари
Орзуларинг каби тўкила бошлар,
Шамоллар – бўроннинг бева, туллари
Аламдан боғларни тўзғитиб ташлар.

Армонлар аёвсиз хўрлагач сени,
Исёнкор руҳингни ёниб излайсан,
Бирдан сен ўзингни қоласан таниб –
Баҳор жилмаяди, севинар найсон.

ЁЛҒИЗ БОРАЁТГАН ҚИЗГА

Ортингга боқасан: ҳеч ким кузатмас,
Жунжикиб кетасан: сен – энди ёлғиз!
Ҳеч ким йўлларингни пойламас, кутмас,
Суронли шаҳарда ёлғизсан, эй қиз.

Осмонда на ой, на қуёш кўринмас,

Қушлар ҳам боғларда сайрайди рангсиз.
Илк бора кўрасан – лаҳзалар ёнмас,
Кунлар ўтаверар сокин, жарангсиз.

Ортингда ҳеч ким йўқ:
Кўзингда томчи –
Тўқасан кунларнинг маҳзунлигини.
Илк бора туясан уйга элтувчи
Йўлларнинг шунчалар узунлигини.

* * *

Видолар айтамик жим боқиб,
Юз бермас ҳеч қандай тасодиф.
Дунёнинг ташвиши жуда кўп –
“Бузмадик асабни” севги деб.

Яшайсан гўёки бемалол,
Яшайман гўёки бекадар.
Ва лекин юраклар бемажол,
Барибир юраклар тилкадир.

Алдайсан ўзингни, тонасан,
Алдайман ўзимни: севмайман!
Сен нега бунчалар ёнасан,
Муҳаббат, бўйнимни эгмайман.

Сен ўтдинг чакмоқдек, муҳаббат,
Қалбимда – ёнғиннинг излари.
Биз нега ўлмадик ўшал пайт
Чакмоқдан куйғанлар сингари?..

Куз – маъюс аёлдир, оғир хўрсиниб,
Изғириндан сўрар – бахт қайда?
Аммо изғириннинг овози синиқ,
Билмадим, билмадим, деб айтар.

Куз – маъюс аёлдир, оғир хўрсиниб,
Далалардан сўрар тинимни.
Жавоб беролмайди, айтиб кўрсин-а, --
У кесиб ташлаган тилини.

Куз – маъюс аёлдир, оғир хўрсиниб,
Сўрайди ишқ деган азобни.
“Ишқми, қайда дейсан, пахтадан тиниб,
Эрта ўйлашим шарт яхобни”.

Куз – маъюс аёлдир, кўнгли бузилиб,
Сўрайди: яшаш-чи, у нима?!
Шу ерда овозлар колар бўгилиб:
“Сен бундан сўз очма, индама...”

Куз – маъюс аёлдир, кечар баридан,
Энди ҳеч сўрамас сўроқлар.
Тўкилиб тушади кузнинг бағридан
Сўнги саволлари – япроқлар ...

* * *

Байрондан

Дил қоронғи. Тезроқ, эй ҳофиз!
Мана, арфа олтиндан, олгин:
Бармоқларинг югуриб нафис,
Уйғотсинлар жаннат оҳангин.

Кулфат дилдан юлмаган магар –
Умидларим қайта уйғонар.
Кўзда бўлса қотган томчилар,
Эрийдилар, қуйилиб томар.

Гултожимдек ёввойи қўшиқ
Куйла, майли. Шод куйлар эзар.
Йиғламоқни тиларман тошиб.
Йўкса портлар азобдан багир.
Жафоларга тўйинди кўксим,
Азоб еди тинимсиз ва лек
Бу мудҳиш дам у тўлди лим-лим
Оғу тўла ўлим жомидек!

СОҒИНЧНИНГ РАНГИ

Бугун ҳам ҳеч нарса бўлмади содир,
Фақат хотирамдан қиламан гумон...
Кўзларим йиғламай яшашга қодир.
Юрагим ҳар битта оғриққа нишон.

Бугун ҳам ҳеч нарса бўлмади содир,
Соатлар имиллаб ўтаверар тинч.
Не килай, йўлларда тўкилмоқ бордир,
Йўлларимни кутиб йиғлайди Соғинч ...

Бугун ҳам ҳеч нарса бўлмади содир,
Фақат битта кунга камаяр аср.
Фақат дардларимни куйлайди оғир
Соғинчининг рангига бўялган фасл.

Булут босди ёруғ осмонни.
Димланади ғамгин ҳаволар.
Бўға бошлар ёп-ёруғ тонгни
Бўғизига келган саволлар.

Кеча нуқси урди кундузга,
Димланади кўксимда юрак.
Топинаман жимгина сўзга,
Бироқ тундлик аримас сира.

Шамол эсар. Борлиқ силкинур.
Тилкаланар бўғиқ ҳолатлар.
Ишонаман, ёғилиб келур
Осмонлардан зангори хатлар.

Ўзбекистон узра булутлар...

БАҲОРГИ УЗУМЗОР

Танангдан сирқиган томчи ёш,
Турибсан бевадек хокисор.
Эй менга суюкли ватандош,
Сен нега йиғладинг, узумзор?

Навбахор бошингдан айланмиш,
Тилагинг нурлардай беғубор.
Табиат бир гўзал маҳвашмиш,
Сен нега йиғладинг, узумзор?

Қалдирғоч қайтди-ку бизларга,
Қанотин остида хабар бор.
Бўзтўрғай маҳкумдир бўзларға,
Сен нега йиғладинг, узумзор?

Эркними қидириб узалған
Кўлингни қирқарлар кўп такрор.
Бу қисмат ўзлигинг кўзлаган,
Шунданми йиғлайсан, узумзор?

Адабий-бадиий нашр

ГУЛБАҲОР САИД ҒАНИ

БАРИБИР БАХТЛИМАН

Шеърлар

Муҳаррир Г.МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир Б. БОЗОРОВ

Техник муҳаррир Е.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ Н. МИНАҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи Ф. БОТИРОВА

ИБ № 4138

Босишга 26.01.2006. да т рухсат этилди. Бичими 70x84 1/32.

Босма тобоғи 2,0. шартли босма тобоғи 2,34.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 19.

Баҳоси келишилган нархда.

“Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

“Ёшлар матбуоти” босмаҳонасида босилди

700113. тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.